

## Рамазонга кирган кишилар учун дарслар (16-дарс)



21:06 / 25.06.2017 4277

### **Рамазоннинг охириги ўн кунлиги.Қадр кечаси.**

Улуғ кунлар ниҳоялаб оз фурсат қолди. Бу Рамазоннинг охириги ўн кунлигидир. Бу улуғ ойнинг бошланиши ва ниҳояси ҳамдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ойнинг охириги ўн кунлигида бошқа кунларига қараганда кўпроқ ибодат қилардилар. Тунда бедор бўлардилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам охириги ўн кунликда ибодат қилиб жидду жаҳд қилганлари каби бошқа бирор ойда ундай қилмасдилар» *(Имом Муслим ривояти)*.

Оиша розияллоху анҳо айтадилар: «Агар охирги ўн кунлик кирса, Расул алайҳиссалом тунлар бедор бўлиб, аҳлларини уйғотардилар. Белни маҳкам ибодатга боғлар эдилар» (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*).

Эй биродарим, Набий алайҳиссаломга иқтидо қилиб ибодат қилишга ҳарис бўл. Бу кунларни, бу тунларни ўтказиб юборма, чунки уларда улуғ ажр бор. Қадр кечаси бедор бўл, тоат-ибодатга ижтиҳод қил. Ал-Жаввод ва ал-Карим бўлган Зотга тазарруъ ва дуоларни кўпайтир.

Аллоҳ таоло бу умматга муборак бир кечани кўп яхшиликлари, баракоти ва фазли билан неъмат қилиб берди. Бу ойда Қуръони Каримни нозил бўлиши Унинг баракотидандир. Бу кечада Аллоҳ таоло бир йиллик тақдирни ёзади: тирик ва ўликларни, азиз ва хорларни, қурғоқчилик ва ҳосилдорликни, бахтли ва бахтсизни...

Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Албатта, Биз огоҳлантирувчи бўлдик. «Албатта, Биз огоҳлантирувчи бўлдик». Ўша (кеча) да ҳар бир ҳикматли иш ажратилур... Биз томонимиздан бўлган амр ўлароқ. Албатта, Биз расул юборувчи бўлдик... Роббинг томонидан раҳмат ўлароқ. Албатта, Унинг Ўзи ўта эшитувчидир, кўриб турувчидир»** (*Духон сураси, 3–6-оятлар*).

**«Албатта, Биз У (Қуръон) ни Қадр кечасида нозил қилдик. Қадр кечаси не эканини сенга нима билдирди? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. Унда фаришталар ва Руҳ Роббларининг изни билан барча ишлар учун тушадир. У то тонг отгунича салом бўлиб турадир»** (*Қадр сураси, 1-5-оятлар*).

*Қадр кечасининг фазилатлари:*

Аллоҳ таоло икки дунёда башариятни бахт-саодати учун Қуръони Каримни нозил қилди.

Аллоҳ таоло Ўз қавли билан улуғлади: **«Қадр кечаси не эканини сенга ким билдирди?»** (*Қадр сураси, 2-оят*). Бу улуғлаб сўрашлиқдир. Бу кеча минг ойдан яхшидир, яъни саксон уч йилдан яхшидир.

Бу кечада фаришталарни тушади. Малоикалар яхшилик, барака ва раҳмат учун тушадилар.

Аллоҳни тоатида бўлган, азобидан, иқобидан саломат бўлган бандаларга кўплаб саломлар бўлади.

Аллоҳ таоло бу кечанинг фазлидан қиёматгача тиловат қилинадиган тўлиқ бир сураани, Қадр сурасини нозил қилди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Ким Қадр кечасини иймон ва савоб умидида қоим бўлиб ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинур**» (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Рамазоннинг бу муборак кечасида бедор бўлиш афзал кўрилади. Хоссатан, охирги ўн кунлигини тоқ кечаларида: йигирма биринчи, йигирма учинчи, йигирма бешинчи, йигирма еттинчи, йигирма тўққизинчи кунларида бедор бўлиш афзалдир.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўннинг тоқ (кеча) ларидан изланглар**», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн (кеча) сидан изланглар: тўққиз кеча қолганида, етти (кеча) қолганида, беш (кеча) қолганида**», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Қадр кечаси охирги етти кунликда деб умид қилинади. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзилари тушларида Қадр кечасининг охирги етти кечада эканини кўрдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Тушингиз охирги етти кечага мувофиқ келаётганини кўрмоқдаман. Ким у кечани излайдиган бўлса, охирги етти кечадан изласин**», дедилар» (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).  
Набий алайҳиссалом айтадилар: «**Қадр кечаси йигирма еттинчи кечадир**», дедилар» (Имом Муслим, Имом Аҳмад).

Аллоҳ таоло бандаларини кўпроқ тоат-ибодатда бўлиши, бу кечани ва ундаги кўп савобларни қидириши учун ҳам уни яширди.

Эй биродарим! Бу кечаларда зикрни, дуони, хоссатан, Набий алайҳиссалом Оиша онамизга ўргатган дуони кўп айтинг: «**Аллоҳим, Сен, албатта, авф этувчисан, авфни яхши кўрасан, мени авф эт**» (Имом Термизий ривояти).

Эй биродарим, бу кеча дақиқаларида Аллоҳ таолога ибодатингни хушў ва хузуў билан қилишга ҳарис бўл.

Аллоҳим! Сенга йўлиққунимизга қадар динингда собит қил.  
Амалларимизга ва вақтларимизга, ризқларимизга Ўзинг барака бер.

**Ҳумайро** тайёрлади.